

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Хўжабод туман ҳокими ўринбосари

Д.Имоллинов

2022 йил

Хўжабод туман мактабгача таълим бўлимининг 2022 йил харажатлар сметасида иқтисод қилинган маблағлари ҳисобидан бўлим тасарруфидаги

ташкilotлардан таъмирлаш ишлари юзасидан

МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИ

№	Туман номи	Шу жумладан				Амалга ошириладиган ишлар
		1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	
1	1-Мактабгача таълим ташкилоти				85,0	Исситиш тизимини мукамал таъмирлаш
2	6-Мактабгача таълим ташкилоти				170,0	Ошхонани жорий таъмирлаш
3	7-Мактабгача таълим ташкилоти				35,0	Исситиш тизимини жорий таъмирлаш
4	11-Мактабгача таълим ташкилоти				50,0	Исситиш тизимини жорий таъмирлаш
5	20-Мактабгача таълим ташкилоти				125,0	Исситиш тизимини мукамал таъмирлаш
6	22-Мактабгача таълим ташкилоти				125,0	Исситиш тизимини мукамал таъмирлаш
7	22-Мактабгача таълим ташкилоти				160,0	Ошхона куриш ишлари учун
8	27-Мактабгача таълим ташкилоти				38,0	Исситиш тизимини мукамал таъмирлаш
	<b>ЖАМИ</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>788,0</b>	

788 млн сўм ташкил этиб, 2022 йил 8-та таълим ташкilotларининг таъмирлаш кўзда тутилган

Н.Мамамов

Н.Мирзақаримова

Хўжабод туман молия бўлими муdiri биринчи ўринбосари

Хўжабод туман мактабгача таълими бўлими муdiri:



## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 15

Хўжаобод туман

11.11.2022 йил

Ушбу пудрат шартномаси «Буюртмачи» деб аталувчи Хўжаобод тумани Мактабгача таълими бўлими номидан Низом асосида иш олиб борувчи МТБ бошлиги Н.Мирзакаримова, бир томондан ва «Пудратчи» деб аталувчи Andijon Beton Quruvchi МСНҶ ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари А.Толибжонов, иккинчи томондан келишув асосида амалдаги кунларга мувофиқ тузилди.

### I. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Буюртмачи»нинг яъни Хўжаобод туман МТБтасарруфидаги I-давлат мактабгача таълим ташкилотини иситиш тизими ва козонхонасини мукаммал таъмирлаш ишларини бажариб беради.

### II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «Буюртмачи» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда) га асосан мукаммал нархларда шартноманинг умумий суммаси 84 000 000 ( Саксон тўрт миллион) сўмни ташкил этади

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс-мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ҳазначилик тизими дан рўйхатдан ўтгандан сўнг 3-банк иш кунида «Буюртмачи» томонидан бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30% ини, яъни 25 200 000(Йигирма беш миллион икки юз минг)сўм олдиндан аванс тариқасида «Пудратчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун тўловларнинг қолган 65 фоизи, яъни 54600000 (Эллик тўрт миллион олти юз минг) сўмни «Пудратчи» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.5.Пудратчи билан Буюртмачи ўртасида тузилган топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан қолган 5 фоизи 4200000 сўм (Тўрт миллион икки юз минг) сўм Буюртмачи томонидан Пудратчининг ҳисоб рақамига 11 ой ичида ўтказиб берилади

2.6 Бажарилган ишлар учун тўловлар «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### III ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 3.1. «Пудратчи»нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «Буюртмачи»дан бажарилган ишлар далолатномасига асосан қабул қилиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 30-кун муддатда ишларни бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «Буюртмачи» га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

#### 3.2. «Пудратчи»нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандай сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш:

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш:

#### 3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш:



Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш:

#### 3.4. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш:

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш:

«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш:

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш:

### IV. КАФОЛАТЛАР

#### 4.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш хом ашёлари, асбоб-ускуналар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;

4.2. Иншоот ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, хом ашёлардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар далолатномани имзолаган кундан бошлаб 11 ой этиб белгиланади.

4.3. Агар иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

4.4. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар Пудратчи ва Буюртмачи ўртасида далолатнома тузилиб, расмийлаштирилади. Пудратчи нуқсон ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, Буюртмачи бу ҳақда ёзувларни киритади.

### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 «Пудратчи» ва «Буюртмачи» ўртасида узаро шартнома имзолангандан сунг мукамал таъмирлаш ишларини бажарадиган бино ёки иншоат қурилиш участкасини буюртмачидан далолатномага асосан қабул қилиб олади. Қурилиш майдони ёки участкаларда техник ҳавфсизлик қоидаларига қелишилган ишларни бажариш вақтида атроф муҳитнинг тозалиги меҳнат муҳофазаси ёнгини олдини олиш зарурий тадбирларни ишлаб чиқади ва бунга амал қилади. «Пудратчи» мазкур шартномадаги барча ишларни ўз қучлари билан бажарилиши ҳамда объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тулик жавобгар. «Пудратчи» мазкур шартномада илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тулови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади. «Пудратчи» объектни фойдаланишга топширгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Объект «Буюртмачи»га топширилгунга қадар объектни тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши ҳавфи «Пудратчи»нинг зиммасида бўлади. «Пудратчи» узининг томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга Давлат стандартларига, техник стандартларига техник шартларга мувофиқ бўлиши ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди. Агар «Пудратчи» қелишилган ишларни белгиланган муддатларда тугата олмаса ишлар сифатеиз ҳолда булган деб топилса «Пудратчи» уларни тuzатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарни «Буюртмачи»га тўлайди. «Пудратчи» бу шартномада курсатилган қурилиш таъмирлаш ишларини қабул қилиш комиссиясига лойиха ҳужжатлари асосида ишнинг сифатли бажарган ҳолда топширади.

5.2 мукамал таъмирлаш ишларини бажариш учун ажратилган бино, иншоат, қурилиш участкасини далолатномаси билан «Пудратчи»га топширади.



Курилиш ишларини бажарилиши устидан «Буюртмачи» вакиллари курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган. «Пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиб боради. «Пудратчи»дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлайди. Молиялаштириш жадвалига биноан аванс маблағи беради. Белгиланган ишларни яқунланган деб топилиб комиссия орқати қабул қилинганда молиялаштиришни амалга оширади. «Буюртмачи» курилиш майдонида уз вакилини техник аудиторини тайинлайди у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Шунингдек «Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқ текширади.

5.3 Агар бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун хужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб пудратчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, ишлар ва хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар етказиб берганлик учун жарима пудратчидан ақцептсиз тартибда ундириб олинади.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг сифати, ассортимент ва нави лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги даволатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.4 «Пудратчи» ишларни бажариш графигида кўрсатилган муддатларда курилиш ишларини тугатмаган тақдирда «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.5 «Буюртмачи» шартноманинг 2-қисмида кўрсатилган муддатларда бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаган тақдирда «Пудратчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.6 Шартномада бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, хужалик шартномаларни бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун «Хужалик юрүтүвчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуннинг 25-321 моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

## VI. Низоларни ҳал қилиш тартиби

6.1 Ушбу шартнома ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар тарафларнинг узаро келишуви билан ҳал қилинади.

6.2 Низоларни тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун қондасига асосан иқтисодий судида ҳал қилинади.

## VII. Бошқа шартлар

7.1 Ушбу шартномага киритиладиган барча узғаришлар ва қушимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафлар томонидан имзолангандан кейин ҳақиқий ҳисобланади.

7.2 Ушбу шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган икки нусхада тузилган бўлиб тарафлар имзоларидан сунг ҳақиқий деб ҳисобланади.

## VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН ҚУЧ (ФОРС МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

8.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун хужжатларида белгиланган тартибда қўриб чиқилади.



IX. ШАРТНОМАНИ ҶЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ  
ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг узаро келишувига мувофик җзгартирилиши ва бекор килиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартнома бҗйича юзага келиши мумкун бҗлган низо ва келишмовчиликлар узаро мухокама йҗллари билан хал этилади. Агарда узаро мухокама йҗли билан хал этиш имкони бҗлмаса Қонун хужжатларида белгиланган тартибда Иктисодий суди оркали хал этилади.

X. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

10.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Ғазначилик тизимидан рҗйхатдан җтган кундан кучга кириб, "31" декабрь 2022 йилгача амал килади.

10.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси хам хукукий жихатдан тенг кучли ҳисобланади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

AndijonBetonQuruvchiMCHj

Манзил: Андижон шаҳар Қозибой хожси кҗча 11 уй

Тел./факс: 93-414-00-88

х/р: 2020 8000 6048 5080 7001

Банк номи: Халк банки амалиёт бҗлими

МФО: 00649 СТИР: 301349229

«БУЮРТМАЧИ»

Хужаобод туман МТБ таълими бҗлими

Манзил: Хужаобод туман Саноатчи мфй

Тел./факс

ш/х100022860032367091100251003

бюджетдан маблағ олувчи

СТИР 305156008 ОКОНХ 92400

Ғазначилик бҗлинмаси номи: Хужаобод тумани  
Ғазначилик бҗлинмаси

Ғазна х/в: \_\_\_\_\_

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳар бош  
бошкармаси ХККМ

МФО: 00014

ғазначилик бҗлинмаси СТИР: 201122919

Рахбар: Н. Мирзакаримова



Рахбар

Қозибойжонов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

YK1313260115

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi:

Xo'jaobod tuman MTB tasarrufidagi 1-davlat maktabgacha ta'lim tashkilotini isitish tizimi va qozonxonasini mukammal ta'mirlash ishlari

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Xo'jaobod tumani maktabgacha ta'lim bulimi tomonidan 07.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Xo'jaobod tumani  
yuridik markazi  
markaz rahbari:



S.B.RAXIMOV

09.11.2022



# “Тасдиқлайман”

Хўжаобод туман мактабгача таълим

бўлими мудири *Н.К. Мирзакаримова*

2022 йил “ 5 ”

БАЁННОМА №11

Раислик қилувчи: **Н.К. Мирзакаримова**

Хўжаобод туман мактабгача таълим бўлими мудири

**Қатнашувчилар:** Комиссия аъзолари

**Кун тартибида:** Хўжаобод туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги

1-давлат мактабгача таълим ташкилотини иситиш тизими ва

қозонхонасини мукамал таъмирлаш ишлари бўйича ўтказилган

электрон танлов

натижалари

(Н.Мирзакаримова, Ш.Турсунов, А.Мамажонов, М.Рустамов, З.Ўрмонов, Н.Мирзакаримова) Ўзбекистон Республикасининг “ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ги 22 апрель 2018 йилдаги №684 Қонунига асосан харид қилинаётган товарлар (иш, хизматлар) махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштирилган. 2022 йил 2 ноябрдаги давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган “Хўжаобод туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 1- давлат мактабгача таълим ташкилотини иситиш тизими ва қозонхонасини мукамал таъмирлаш ишлари” баённомасига асосан эълон якунига кўра Andijon Beton Quruvchi MCHJголиб деб топилганлиги, харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилганлиги инobatга олинсин.

Ўзбекистон Республикасининг “ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ги қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан баённома давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди ва икки иш кун давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 5ноябрдаги баённомасига асосан Andijon Beton Quruvchi MCHJголиб деб топилганлигини инobatга олиб ушбу ташкилот билан қонунчиликка асосан шартнома расмийлаштирилсин.

## Комиссия аъзолари

Турсунов Шохмурод Сапарбекович *Шохмурод Сапарбекович* Бош ҳисобчи

Мамажонов Аббосбек Азамжонович *Аббосбек Азамжонович* Иқтисодчи

Ўрмонов Зайнобиддин Холдарович *Зайнобиддин Холдарович* Эксплуатация бўлими бошлиғи

Рустамович Муқимжон Қосимович *Муқимжон Қосимович* Таъминотчи